

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/30.12.2019. Fil/Ped. 27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКРОМОВ УЛУҒБЕК ШАРОБИДДИНОВИЧ**

**Ж-М. ГЮСТАВ ЛЕ КЛЕЗИО АСАРЛАРИ ПОЭТИКАСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия**  
**халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Акромов Улуғбек Шаробиддинович**

Ж-М. Гюстав Ле Клезио асарлари поэтикаси..... 3

**Акромов Улуғбек Шаробиддинович**

Поэтика произведений Ж-М. Гюстава Ле Клезио..... 25

**Ulugbek Sharobiddinovich Akromov**

Poetics of J- M. Gustave Clezio's works..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/30.12.2019. Fil/Ped. 27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКРОМОВ УЛУҒБЕК ШАРОБИДДИНОВИЧ**

**Ж-М. ГЮСТАВ ЛЕ КЛЕЗИО АСАРЛАРИ ПОЭТИКАСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия**  
**халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil333 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эрматов Баҳодир Содиқович**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Носиров Абдурахим Абдимуталипович**  
филология фанлари доктори (DSc)

**Касимов Абдугопир Абдиқаримович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru))

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Г.Х. Бакиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
филол. ф.д., профессор

**Х.Б. Самигова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, филол.ф.д. доцент

**Ж.А. Якубов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабий жараёни ва шу билан бирга, миллий адабиётлар барча даврларда ҳам бирдай ривожланишда бўлмаган. XX аср охири - XXI асрнинг дастлабки икки ўн йиллиги ўтган юз йилликдаги адабиёт ва адабий ҳодисалар раванқини тўларок идрок этишга имкон берди. Ўтган аср охирида дунёнинг геополитик харитасида рўй берган ўзгаришлар Европа адабиётлари тараққиётидаги босқичлар ва даврлар аҳамиятини аниқлашга янгича ёндашишга йўл очди, амалда бўлган мафкуравий ва услубий қарама-қаршиликлар туфайли эътибордан четда қолган айрим адабий ҳодисаларни баҳолашга имкон яратди.

Жаҳон адабиётшунослигида кенг қўлланиб келаётган тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ва аналитик методлар асосида XX асрда шаклланиб, камолга етган дунё адабиётининг энг илғор бадиий асарлар яратиш анъаналари XXI асрда ҳам шижоат билан тараққий этиб келмоқда. Дунё насаида реал воқеликни поэтик композицияга айлантириш, бадиий тафаккур ва услубий ўзига хослик, адибнинг инсон, жамият ва борлиқ билан диалогик муносабатга киришуви сингари муаммоларни комплекс тадқиқ этиш ҳамда умуминсоний ғоялар юзасидан назарий умумлашмалар чиқариш йўсинидаги интилишлар мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Адабиётшунослиқда поэтика муаммоси доимий диққат марказида бўлиб келган. Шунга қарамасдан, назарий адабиётларда атаманинг ўзига хослиги, унинг мазмун-моҳиятини англаш борасида турфалик кузатилмоқда. Турли халқлар ва миллатларга мансуб адибларнинг асарларини тадқиқ қилиш, улар яратган бадиий асарлар поэтикасини ўрганиш ва шу орқали уларнинг бадиий маҳоратини очиб бериш ҳамда, зарур бўлса, миллий ёзувчилар ижодига татбиқ этиш тажрибаси давом этмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири халқимиз маънавий-маърифий ҳаётида бадиий адабиётнинг роли тобора ошиб, адабиёт ва маърифат масалалари давлат сиёсати даражасида эъзоз топиб келмоқда. Шу ўринда чет эл адабиёти дурдоналарини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. “Биз мана шу ўта муҳим йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам давом эттирамиз. Нега деганда, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”лиги<sup>1</sup> адабиётшунослиқ фани олдида жаҳон адабиётининг ёрқин намояндаси Жан-Мари Гюстав Ле Клезиедек кўпқиррали ижодкорлар бадиий асарларини кенг қамровда ўрганиш, уларда бадиий ифодасини топган дунё миллатлари маданияти, азалий қадриятларнинг поэтик талқини бўйича муҳим хулосалар чиқариш вазифаси ҳам қўйилмоқда. Зотан, адиб асарлари, аввало, ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, бугуннинг ўткир ижтимоий-сиёсий, маънавий-

---

<sup>1</sup>Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами ни юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи 2017 йил, 4 август.

ахлоқий масалаларини дадил ўртага қўйганлиги, инсон ва унинг қалби ҳақидаги ҳақиқатнинг янги қирраларини очишга қаратилгани, кескин драматизми, теран гуманизми, инсон ҳаёти хусусидаги эҳтиросли баҳс-мунозаралари билан ажралиб туради.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ж.-М. Гюстав Ле Клезионинг ижоди ва ундаги турли масалалар француз адабиётшунос-лигида кенг тадқиқ қилинмоқда. Унинг ижодига бағишланиб нафақат Франция, балки дунёнинг Нидерландия, Испания, Канада, АҚШ, Бельгия ва Дания каби давлатларида қатор монографиялар эълон қилинган.<sup>3</sup> Француз адабиётшунос олимаси Мишель Дуэриннинг «Сенеканинг «Бахтли ҳаёт» ва «Умрнинг қисқалиги», Чеховнинг «Ваня амаки» ва Ле Клезионинг «Олтин изловчи» асарларида бахт

---

<sup>2</sup>Tossou Okri Pascal. Généricité dans Lullaby de J. M. G. Le Clézio. Une Analyse de la «Complexité des faits de discours». - European Scientific Journal October 2017 edition Vol.13, No.29 ISSN: 1857 -7881 (Print) e - ISSN 1857-7431. – P.159.

<sup>3</sup>Bree Germaine. Le Monde fabuleux de J.-M.G. Le Clezio. Amsterdam, Editions Rodopi, 1990.; Gonzales-Yernandez Anna-Teresa. Etoile errante de J.-M.G.Le Clezio. Une écriture spéculaire sur fond de guerre. Madrid, Universidad Complutense, Theleme, N 20, 2005.; Holzberg Ruth. L’Oeil du serpent. Dialectique du silence dans l’oeuvre de Le Clezio. Sherbrooke, Editions Naaman, 1981.; Peyre Henri. Six Maîtres contemporains: Giono, Ayme, Sartre, Camus, Gascar, Le Clezio. Paris / New York, Harcourt/Brace & World, 1969.; Gerard de Cortenze. J.-M.G. Le Clezio, le nomade immobile. Paris, Gallimard, 1997.; Stendhal Boulos Miriam. Chemins pour une approche poétique du monde. Copenhague, Museum Tusulanum Press, coll. «Etudes romanes de l’Universite de Copenhague», 1999.

ахтариш» номли монографиясида Жан-Мари Гюстав Ле Клезионинг ижоди киёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан ҳам ўрганилган.<sup>4</sup>

Жан-Мари Гюстав Ле Клезио ижодидаги турли масалалар махсус илмий тадқиқотларнинг объекти бўлган. Фернадо Агирре ўзининг «Бошқариш унсурлари» номли докторлик диссертациясида бошқа адибларнинг асарлари қатори Ле Клезионинг «Буюклар» романини ҳам таҳлил остига олади, Ҳенриелла Ле Геллан ўзининг «Замон тажрибаси: «Баённома», «Учар юлдуз» ҳамда «Диего ва Фрида» романларидаги муштаракликлар ва ўзига хосликлар» мавзуидаги диссертациясида Ле Клезио ижодидаги замон категориясини тадқиқ қилса, Анна Вьей «Ле Клезио ижодида реаллик ва тўқима диалектикаси» номли докторлик диссертациясида адиб ижодидаги макон категориясини тадқиқ қилади, Эрик Вилленёв Ле Клезио ижодида Маврикий илдизларини ахтарса, Майнар Мария-Анник адиб асарларида инсоннинг атроф-муҳитга муносабатини ўрганади, Эстелла Мариотт эса Т.Э.Луренс, Пауль Боуль ва Жан-Мари Гюстав Ле Клезио ижодидаги сахро образини киёсий тадқиқ этади.<sup>5</sup>

Москва университетидан Сафронова В.Б. Жан-Мари Гюстав Ле Клезио «Баённома»сидан «Сахро» асаригача ижодий тадрижини таҳлил қилса, Москва давлат педагогика университетидан Шевякова Э.Н. эса асарлар бўсағасидаги француз прозасини тадқиқ этади.<sup>6</sup> Бунда у Ле Клезио ижодига ҳам тўхталиб ўтади.

Республикамызда адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг ривожланиши билан француз-ўзбек адабий алоқаларининг турли масалалари юртимиз олимларининг қатор тадқиқотларида ўрганилган. Бироқ уларнинг аксарияти таржимашунослик масалаларига бағишланган. Юртимиз адабиётшунослари томонидан француз адиблари ижоди ёхуд уларнинг айрим асарлари бадииятини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар эса бармоқ билан саналарли.<sup>7</sup>

<sup>4</sup> Duérin Michèle. La recherche du bonheur dans La Vie heureuse et La Brièveté de la vie de Sénèque, Oncle Vania de Tchekov et Le Chercheur d'or de Le Clézio. - Paris, Armand Colin, 2005.

<sup>5</sup> Aguirre Fernando. Figures du pouvoir. Thèse de doctorat, portant notamment sur Les Géants. Université de Paris 12, 1986; Le Guellant Henrielle. Experience du temps: unité et diversité à travers Le Procès-verbal, Etoile filante et Diego et Frida. Thèse de doctorat. Université de Lyon 2, 1989; Vieil Anne. L'Espace dans l'oeuvre de J.-M.G.Le Clézio. La dialectique du réel et de l'imaginaire. Thèse de doctorat. Université de Paris 4, 1985; Villeneuve Eric. L'écriture mauricienne. Thèse de doctorat. Université de Lyon 2, 1985; Maynard Maria-Annick. Le Rapport de l'homme au monde dans l'oeuvre de Le Clézio. Thèse de doctorat. Université de Lyon 2, 1988; Mariotte Estelle. Imaginaire et mémoire du désert chez T.E.Lawrence, Paule Bowles et J.-M.G.Le Clézio. Thèse de doctorat. Université de Lille 3, 1991.

<sup>6</sup> Сафронова.В.Б. “Эволюция творчества Жана-Мари Гюстава Леклезио” (от «Протокола» к «Пустыне»). Автореф.дисс.канд.филол. н. – М., 1998; Шевякова Э.Н «Поэтика современной французской прозы». М. МГУ П 2002.

<sup>7</sup> Сулайманов Х. Творчество Эмиля Золя. Автореф. дисс. док.филол. н. – Л., 1956; Сулайманова Ф. Роман «Люсьен Левен» Стендаля. Автореф. дисс. док.филол. н. – Л., 1964; Саттарова М. XIX аср француз бадиий адабиётида услуб масаласи. Филол.фан.ном. дисс. – Самарқанд, 1997; Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлокий категория сифатида (А.де Сент-Экзюпрининг “Кичкина Шаҳзода” ва Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” асарлари асосида). Филол.фан.ном.дисс.–Тошкент, 1999.Ширинова Р. Диний реалияларни бадиий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари (француз адабиётининг ўзбекча таржималари мисолида). Филол.фан.ном. дисс. –Тошкент, 2002; Исмаатов С. Француз халқ эпослари матнининг лингвопоэтик тадқиқи (“Роланд ҳақида қўшиқ” достони мисолида). Филол.фан.ном. дисс. –Тошкент, 2010; Қаршибаева У. Француз романтизм прозасининг поэтик хусусиятлари:Филол.фан.д-ри....дисс. –Тошкент, 2016; Холбеков М. XX аср

Шунингдек Жан-Мари Гюстав Ле Клезионинг тадқиқотимиз учун танланган романлари ва ҳикоялари ўзбек адабиётшунослиги ва таржимашунослигида у ёки бу муаммони ўрганиш нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Ушбу ҳолат танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидеда «XIX аср Ғарбий Европа адабиётининг жанр хусусиятлари» ва «XX аср иккинчи ярми Ғарбий Европа романи поэтикаси» ҳамда «Жаҳон адабиётида адабий тур, жанрлар тараққиёти ва услуб ранг-баранглиги» мавзуларидаги устувор илмий йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жаҳон адабий жараёни контекстида Ж-М. Гюстав Ле Клезионинг бадиий асар поэтик структурасини тизимли тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

поэтик фикрни шакллантириш ҳамда ижодий ният реаллашувида бадиий уйғунликка эришиш муҳимлиги масаласига аниқлик киритиш, поэтика истилоҳига берилган замонавий таърифларни аниқлаш;

XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошидаги француз адабий жараёнида Жан-Мари Гюстав Ле Клезионинг ўрнини белгилаш, асарларини шакл ва мазмун адабий-эстетик категориялари асосида таснифлаш;

Ле Клезио ижодида инсон руҳияти тасвири ҳамда ифода самимияти яхлитлигига эришиш маҳоратини ёритиш, ижодкорнинг ижтимоий воқелик, ижодий тасаввур ва бадиий фантазияни уйғунлаштиришдаги эстетик принципларини аниқлаш билан боғлиқ ўзига хосликларни тадқиқ этиш;

ижодкорнинг бадиий-услубий изланишларини илмий-назарий таҳлилга тортиш, асар таркибий унсурлари ифода поэтикасини белгилаб беришни асослаш, фалсафий-бадиий талқиннинг ижодий ғояни ифодалашдаги адиб маҳоратини очиб бериш;

Жан-Мари Гюстав Ле Клезио асарларидаги бадиий тенденцияларнинг ижодий ўзига хослигини назарий жиҳатдан далиллаш; автобиографик жанрдаги ифода индивидуаллиги ижтимоий давр руҳи ва воқелик моҳиятини очиш воситаси эканлигини кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объектини** замонавий француз адиби Жан-Мари Гюстав Ле Клезио асарларининг аслиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети:** Жан-Мари Гюстав Ле Клезионинг асарлари поэтикаси ва адиб бадиий ифода йўсинининг ўзига хослиги ҳамда бадиий-эстетик тамойиллар уйғунлигини махсус тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий-типологик ва комплекс таҳлил усуллари, ҳамда тарихий-функционал ёндашувдан ҳамда XX аср иккинчи ярми ва XXI асрнинг дастлабки ўн

---

модерн адабиёти манзаралари. –Тошкент, 2014; Холбеков М. Французская художественная проза в переводах на узбекский язык (история и переводческий опыт). Филол.фан.ном. дисс. –Тошкент, 1982. Холбеков М. Жаҳон таржимачилиги аъналарари. – Тошкент, “Наврўз”, 2016.



йилликларида яратилган асарлар тадқиқида матнлар моҳиятини англашга асосланган герменевтик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

поэтикани таҳлил қилиш тамойиллари автобиографик жанрга хос бўлган ифода индивидуаллиги, ижтимоий давр руҳи, ёзувчи шахсияти, услуб, муаллиф ғоясининг мантиқийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги, умумлаштириш ҳамда типиклаштириш каби бадиий мезонлар асосида француз адабий жараёни ракурсида такомиллаштирилган;

реализм, романтизм, модернизм, психологизм каби француз адабий йўналиши ва оқимларининг ҳаётни бадиий акс эттириш принциплари тасвири Ж-М. Гюстав Ле Клезю романлари поэтикасида индивидуаллик ва қиёсий-типологиялик умумлашмада далилланган;

сюжет ва композиция, шакл ва мазмун, бадиий асар тили, мавзу ва ғоя каби поэтик унсурларни қўллашдаги ижодкор бадиий маҳорати хусусий, назарий ва тарихий поэтика яхлитлигида илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

соф эстетик қонуниятлар негизида адиб романларидаги фалсафий фикр, поэтик нутқ, бадиий мушоҳада, ижодкор поэтик маҳорати жаҳон адабиётшунослигининг устувор концепцияларига мувофиқ далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:** XX аср иккинчи ярми – XXI асрнинг икки ўн йиллиги француз адабиёти ҳолатини жаҳон адабий жараёни нуқтаи-назаридан талқин этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий тушунчалар бериш, адабиёт тарихи, тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалари мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

Француз ва жаҳон адабиётида, адабий алоқаларда давр ўқувчисининг дунёқараши, бадиий дидини шакллантириш ва янада юксалтириш, жамиятнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий такомиллида Ж-М. Гюстав Ле Клезю хизматлари аниқланган;

Ҳар бир асар поэтикаси ўзига хос система эканлиги ва ижодкор бадиий асарларида узвий изчиллик, ички тадрижий тараққиёт мавжудлиги илмий-назарий жиҳатдан тавсифланган ва бадиий матн таҳлили асосида далилланган, поэтика – бу ижодий анъана ҳамда индивидуал услубий тадриж уйғунлигини таъминлайдиган категория эканлиги кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Юртимиз ҳамда хориждаги адабиётшунос ва мунаққидларнинг фикрларига мурожаат қилингани, замонавий француз асарлари поэтик ифода йўсинида, контекстуал таҳлилнинг социологик, тарихий-маданий, шунингдек, биографик, психологик, герменевтик, гипотетик методлар ва имманент таҳлилнинг структурал метод турлари асосида олиб борилгани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилгани тегишли ташкилотлардан олинган тасдиқлар билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг асосий илмий хулосалари ва назарий умумлашмаларидан адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти тарихи, хусусий, тарихий ва назарий поэтика, жанр типологияси ва поэтик маҳоратни ўрганишда тадқиқотнинг назарий хулосалари замонавий адабий оқим ва йўналишларга хос белги-сифатларни

ижодий қайта ўзлаштириш, макон ва замон, жанр модификацияси, адабий-бадий тасвир, эпик баён кўринишлари, композицион яхлитлик каби масалаларга комплекс ёндашувга асосланган тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим тизимида тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти, ҳозирги адабий жараён ва адабиёт назарияси фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, шунингдек, ихтисослик фанларини ўқитишда, замонавий бадий асарлар поэтикаси, жанр бадиияти, ижодкорлар поэтик маҳоратига оид махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ж-М.Гюстав Ле Клезю асарлари поэтикаси билан боғлиқ изланишлар натижаси асосида:

поэтикани таҳлил қилиш тамойиллари автобиографик жанрга хос бўлган ифода индивидуаллиги, ижтимоий давр руҳи, ёзувчи шахсияти, услуб, муаллиф ғоясининг мантиқийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги, умумлаштириш ҳамда типиклаштириш каби бадий мезонларга оид назарий хулосалардан ИТД-1-107 “Хорижий (француз, немис, испан) тиллар бўйича ўқитувчи кадрлар ва мутахассис-филологлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида узвийлик ҳамда узлуксизликни таъминловчи, ўзбек реалияларини акс эттирувчи ўқув-услубий мажмуалар ва уларнинг электрон версияларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 апрелдаги 89-03-1379-сон маълумотномаси). Натижада амалий лойиҳа доирасида бакалаврлар (француз тили) учун яратилган “Manuel de France-1”, “Manuel de France-2” ва “Manuel de France-3” дарсликлари мавзуларини ёритишда хизмат қилган;

реализм, романтизм, модернизм, психологизм каби француз адабий йўналиши ва оқимларининг ҳаётни бадий акс эттириш принциплари тасвири Ж-М. Гюстав Ле Клезю романлари поэтикасида индивидуаллик ва қиёсий-типологик таҳлил асосида чиқарилган илмий хулосалардан Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан “XX аср жаҳон адабиёти ҳикоялари” (2009 й.), Ҳусан Эрматовнинг “Нобель мукофоти совриндорлари” (Адабиёт, 2011 й.) ва “Нобель мукофоти совриндорлари” (Тинчлик, 2015й.) ҳамда “Жаҳон болалар адабиёти” (2016 й., 10 жилдлик) асарларинининг мазмун-моҳиятини бойитишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 12 мартдаги 01-03-07/410-сон маълумотномаси). Натижада замонавий асарлардаги адабий-эстетик ходисаларни типологик ўрганиш бўйича илмий-назарий фикрларни умумлаштиришга хизмат қилган;

Ж-М. Гюстав Ле Клезю сюжет ва композиция, шакл ва мазмун, бадий асар тили, мавзу ва ғоя каби поэтик унсурларни қўллашдаги ижодкор бадий маҳоратига оид хулосалардан 14-16 март кунлари Франция элчихонаси ташаббуси билан Ўзбекистон давлат ёшлар театри билан ҳамкорликда ўтказилган “IV Талабалар ва ўқувчилар Франкофон театр ва ашула фестивали” сценарий тузилмаларида фойдаланилган (Тошкент Француз Альянсининг 2019 йил 29 мартдаги 01-11-07-4605-сон маълумотномаси). Натижада француз асарларидаги бадийлик ва шахс концепциясининг талқини, поэтик

хусусиятлар, асарларининг сюжет ва композицияси, образлар тизими, унда илгари сурилган ғоялар спектакль ижодкорлари учун зарур манба бўлиб хизмат қилган;

Ж-М. Гюстав Ле Клезю асарларида фалсафий-ахлоқий муаммолар, турли халқ ва элатлар ҳаётининг ёритилиши, автобиографик жанрнинг бадиияти, поэтик нутқ, бадиий мушоҳада, ижодкор поэтик маҳорати каби эстетик қонуниятлар негизида далилланган мулоҳазалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маънавий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Бедорлик” радиоэшиттиришнинг 2019 йил февраль-март ойлари сонларида тадқиқот мавзусига оид суҳбат тайёрланган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг 2019 йил 3 апрелдаги O’z/R-1-59-сон маълумотномаси). Натижада Ж-М. Г.Ле Клезю асарларининг маънавий-маърифий, ижтимоий-эстетик аҳамиятига оид радио эшиттиришларнинг мазмун-моҳиятини бойитишда назарий асос вазифасини ўтаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 151 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг республика фан-технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси баён қилиниб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, мавзуйи бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, диссертация бўйича нашрлар ва унинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошидаги француз адабий жараёни ва унда Ж. М. Г. Ле Клезюнинг тутган ўрни**» номли биринчи боби икки фаслни ўз ичига олади. «XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошидаги француз адабий жараёни» фаслида адабиётшунослик назарияси ва эстетикаси жорий босқичида «поэтика» истилоҳи кенг маъно кирралари билан намоён бўлаётганлиги асосланган. Бадиий образ моҳияти ва

шакли, услуб, жанр ҳамда метод каби етакчи назарий тушунчалар турли давр ва йўналишлар аспектида муайян даражада ўрганилган.

Адабиётшунослик, адабиёт назариясининг майдони бадиий адабиёт моҳиятини ва шу ўринда унинг асосий қисми бўлмиш воқеликни иложи борича кенг умумлаштиришдан иборат. Шу маънода адабиётшунослик санъат ва тарихий жараён назариялари, эстетика, маданиятшунослик, антропология, герменевтика ва фалсафага яқин. Зеро бадиий асарда мужассамлашган бадиий тафаккур (адиб концепцияси) нафақат воқеликнинг айрим ҳодисаларининг адиб томонидан таҳлил қилиниши ва баҳоланишини ифодалайди, балки муаллифнинг фалсафий дунёқарашини ҳам акс эттиради.

Инсоният маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти билан бадиий ғоялар илмий, фалсафий ва публицистик умумлашмалардан фарқ қилади. Айрим ҳолларда улар илмий, фалсафий хулосалардан олдин келади. «Илм-фан фақат санъат тасвирлари ортидан қувиб юради», деган эди ҳатто немис файласуфи Ф.Шеллинг.<sup>8</sup> «Ҳаётга барча янгиликни санъат олиб киради: у ўз асарларида давр хавосида кўринмай юрган нарсаларни акс эттиради, ...яқинлашиб келаётган келажакни олдиндан ҳис қилади» Романтик эстетикага бориб тақалувчи бу фикр М.М.Бахтин томонидан асосланган. «Адабиёт... кўпинча фалсафий ва этик тушунчалардан илгарилаб кетарди... Зеро адиб пайдо бўлаётган бу муаммоларни эҳтиёткор олимлар, файласуф ва амалиётчилардан яхши англайди. Ғоя, этик қудрат ва туйғунинг туғилиши, уларнинг бўлиниши, воқеликка мослашишнинг шаклланиши, “ижтимоий онг” бағрида узоқ тентираши – шаклланаётган мафкуранинг ҳали парчаланмаган шу барча қатлами бадиий асарлар мазмунида акс этади ва талқин қилинади». Адибнинг бундай пайғамбарона башорати, жумладан, А.С.Пушкиннинг «Борис Годунов» ва Л.Н.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» каби асарларидаги тарихий-ижтимоий концепцияларида, Ф.Кафканинг ўрнатилмаган тоталитаризм келтирадиган даҳшатлари ҳақида сўз юритилган қисса ва ҳикояларида ўз ифодасини топган.<sup>9</sup>

Кўриниб турибдики, сўз санъати, яъни бадиий адабиёт нафақат ўтмиш ва замона воқеаларини таҳлил қилади ва баҳолайди, балки келажакни ҳам башорат қилади. Шу нуқтаи назардан биз адабиёт соҳасида 2008 йилги Нобель мукофоти соҳиби Ж.-М. Гюстав Ле Клезю асарлари бадииятини таҳлил қилишга киришар эканмиз, адиб яшаб ижод қилаётган давр адабий жараёнига назар ташламай ўтолмаймиз. Бунинг устига замонавий поляк адабиёт назариячиси Е.Форыно таъкидлаганидек, бадиий асар «маълум бир хужжат, ўша давр бадиий фикрининг маҳсули сифатида баҳоланиши лозим<sup>10</sup>».

Илмий-техникавий тараққиётнинг юксак даражаси нафақат моддий шароитларни, балки инсонларнинг ўзларини ҳам муайян жиҳатдан тенглаштириб қўйди. Тафаккурдаги ўзгаришлар ҳаёт ва санъат ўртасидаги чегаранинг йўқолишига ҳамда поп-арт (оммабоп санъат) кўринишларининг

<sup>8</sup>Шеллинг Ф. Система трансцендентального идеализма. – Л., 1936. – С.387.

<sup>9</sup>Хализев В.Е. Теория литературы. Издание третье, исправленное и дополненное. – М.: «Высшая школа», 2002. – С.73.

<sup>10</sup>Форыно Е. Введение в литературоведение. – Варшава. 1991. – С.275.

пайдо бўлишига туртки берди. Европанинг глобаллашуви инсонлар тафаккурида ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Олимларнинг таъкидлашича, илгарилари маданиятлар «маҳаллий» бўлган, бир-бирларига камдан-кам яқинлашганлар, уларнинг бир-бирларига мослашувлари ва таъсирлари маълум бир вақтни талаб қилган. XX аср бошига хос маданиятлар диалоги ғояси ҳам шундан келиб чиққан. Глобаллашув даврида барча маданиятлар бир-бирларига кириб бориши учун йўл очувчи ва мулоқотнинг ягона механизмини аниқлаб берувчи умумий алоқа воситаларига эга бўлдилар.<sup>11</sup>

Айнан, шунинг учун реализмнинг янги синкретик кўринишларини келтириб чиқарган реаллик сарҳадларини фантастикагача кенгайтирилиши ҳам Европа адабиётида, Америка адабиётида, хусусан, Г.Маркес ижодида, катта аҳамият касб этди. Ўтган асрнинг охирига келиб реалистик йўналиш ўзининг «соф» классик кўринишини йўқотди. Реализмнинг анъанавий шакллари ҳамда замон, макон, сюжет ва образлар каби бадиий категорияларнинг моҳияти сезиларли даражада ўзгарди, натижада, адабиётда модернизм ва неомодернизм альтернативаси хусусида сўз юритишга имкон яралди. Модернист ва неомодернистларга бўлиниш XX аср охирида пайдо бўлди. Бу икки йўналиш гарчи воқеликни англашнинг бир-бирига зид вазифаларини кўтариб чиқсалар-да, бир даврнинг маҳсулдирлар. Неомодернистик (Л.Г.Андреев атамаси) тушунчаси кенг тушунчадир. У «бошқа нарсаларга, маънога, мақсадга, йўқотилган бутунликка» яқинлашишни, модернистик оқимларга хос бўлган бўлиниш ва парокандаликка қарши туришни, бутун дунёни камраб олишга имкон берувчи бадиий шакл синтезини ахтаришни англатади». Л.Андреевнинг фикрича, неомодернистик тушунчаси «замонавий адабиётнинг алоҳида хусусиятини, янги ва ўта истиқболли хусусиятини-бадиий синтезни шакллантиришни билдиради».<sup>12</sup> Бироқ бу реалистик йўналиш ўзининг сўзсанъатидаги ўрнини бутунлай йўқотди, дегани эмасди.

Матн реалликка нисбатан тор, зеро реаллик унинг манбаи ҳисобланмайди. Ягона реаллик эса кўп босқичли тузилишга эга, вазмин ва катта ахборот берувчи матндан иборат; матн ҳаддан ташқари катта ёхуд турли манбалардан олинган кичик матнлар бирикмасидан иборат бўлиши мумкин. Матнлар турли манбалардан очикдан очик ёхуд яширин тарзда фойдаланиб тузилган бўлиши мумкин, уларнинг мақсади китобхонга қўшимча маълумот бериш эмас, балки ўша манбалар муаллифлари билан баҳс юритиш бўлиб, бу маданиятлар диалоги ҳақида сўз юритишга имкон беради. Постмодернистлар матнга рефлексияларнинг маҳсулоти сифатида қарашади, бу эса ижод жараёни тугагини эмас, балки матнни янада янгича талқин қилиш мумкинлигини англатади. Постмодернистик адабиёт матнлари ўйин асосига қурилади ва китобхонни чалғитиб, уни реаллик тазйиқидан қутқаришга хизмат қилади. Коллаж тайёр унсурлар мажмуаси сифатида бадиий адабиёт

<sup>11</sup> Миронов В. Пора ко всему относиться философски. // Огонек, 2001, № 52. – С.23.

<sup>12</sup> Андреев Л.Г. Зарубежная литература XX века. – М.: Высшая школа, 2003. – С.16.

тили ва услубида ҳам намоён бўлади. Бунда морфологик ва синтактик меъёрларнинг бузилиши, ненорматив ва вульгар лексиканинг қўлланиши кузатилади. Л.Витенштейннинг лисоний фалсафасига кўра, бундай тил ўйинлари дунёни янгича идрок этиш ва қуриш имконини беради.

Постмодернизм байналмилал ҳодиса бўлиб, дунёқарашлари ва эстетик тамойиллари бир-биридан фарқ қиладиган адиблар ижодини ўз ичига олади. Францияда С.Жапризо, Р.Беллетто, Ж-М.Г.Ле Клезиво, М.Уэльбек, Ф.Бегбедер, Германияда Г.Грасс ва П.Зюскинд, Англияда Д.Фаульз, П.Акройд ва бошқалар шулар жумласидандир.

XX асрнинг сўнгги чорагида адабиётларнинг сифат ва мазмун жиҳатдан бойиб бориши, ўзаро алоқалар ва таъсирнинг юксалганлиги умуминсоний адабиётнинг вужудга келиш жараёнига асосий туртки бўлди.

Мазкур жараён XX аср билан тарихда қолиб кетмади, балки XXI аср бўсағасида бошланган “адабий глобаллашув”га ҳам кенг йўл очиб берди. Ўз навбатида бу жараён эстетик интеграциялашув ва адабий глобаллашув жараёнларини жадаллаштирмоқда. Дарҳақиқат, глобаллашув асрининг энг характерли жиҳати –бу XXI аср “маданиятшунослик харита”сини тузилишидир, у бир бадий яхлитликда “умуминсоний адабиёт” тушунчасидаги замонавий тасаввурнинг туб моҳиятини акс эттириш хусусиятига эга бўлади. Бирдамлик ва оламшумуллик, ўзига хос янги универсал ғоя бўлиб, бу “Европа ягона уй” деювчи ғояни рад этиш, бутун диққат-эътиборни “учинчи дунё” маданиятларига қаратиш, “маргинал маданият”, “катта” ва “кичик” адабиёт тушунчасидан воз кечиш машҳур француз ёзувчиси Ж-М. Гюстав Ле Клезивонинг қатор асарларида ўз ифодасини топди<sup>13</sup>.

**Бобнинг иккинчи «Ж-М. Гюстав Ле Клезивонинг бадий олами»** номли фаслида эстетика ва адабиётшунослик назарияси инсонни билиш, характер тадрижини ёритишни доимо етакчи муаммо деб билганлигига эътибор қаратилган. Адабиётшунослик мунозарали ва бахсталаб ҳодисаларга тўла. Қатор фикрлар ва концепциялар бир-биридан кескин фарқ қилади ва ҳатто яқин ҳам келмайди. Фикр ва мулоҳазаларнинг, назарий қарашларнинг турфалиги табиий ва тахмин қилиш мумкинки, уларни бартараф этиб бўлмайди зеро бадий ижод моҳиятини англаш кўп жиҳатдан у амалга ошираётган тарихий-маданий муҳит ва албатта, адабиётшуносларнинг бир-биридан фарқланадиган дунёқарашлари билан боғлиқ.

Адабиёт назарияси ўз навбатида мураккаб ва турфа соҳа ва бўлимлардан иборат. Унинг асосий бўғини назарий деб ҳам аталмиш *умумий поэтикадан* иборат. Бу бадий асар ҳақидаги, унинг таркиби, тузилиши ва вазифалари ҳамда адабий турлар ва жанрлар ҳақидаги фандир. Адабиётшуносликнинг соҳаларидан бири унинг маълум оқим ва йўналишлар билан боғлиқ “шаклий” (формал) кўринишидир. У, айниқса, XX асрнинг 30-50-йилларида ривожланиб кетди. Бу мактабнинг социалистик реализм, “янги роман” билан боғлиқ

---

<sup>13</sup>Холбеков М. Н. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Мақолалар тўплами – Тошкент: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2013.–361-365. б.

француз структурализми (постструктурализми), замонавий эссеистика кучайган постмодернизм каби шакллари мавжуд. Шунга ўхшаш адабиётшунослик концепциялари *йўналиш*ли табиатга эга.<sup>14</sup>

Бироқ адабиётшуносликнинг бугунги кунда долзарб *йўналиш*сиз соҳаси ҳам мавжуд. Унинг табиати ва талаблари рус адабиётшуноси А.Н.Веселовский асарларида ўз аксини топган. Олим бу соҳадаги ҳар қандай қатъийлик ва талабни рад этади, ҳар қандай илмий услуб (метод)ни ягона ва тўғри деб тасдиқлашни инкор қилади. Адабиётшунос бу услубларнинг ҳар биридан фойдаланиши мумкин деб тасдиқлайди. Ўзига замондош бир олимнинг халқ қўшиқлари сюжетларининг турмуш тарзи билан генетик боғлиқлиги ҳақида гап кетган асарига тақриз ёза туриб, куйидаги фикрни билдирган: “Услуб янги эмас, бироқ ундан усталлик билан фойдаланиш лозим ва бунда унинг ягона эмаслигини ёдда тутиб, турмуш омили етишмаса, бошқасига ўтиш керак”.<sup>15</sup>

XX асрнинг йирик адабиётшунос олимлари В.М.Жирмунский, А.П.Скафтымов, М.М.Бахтин, Д.С.Лихачевларнинг назарий қарашлари А.Н.Веселовскийнинг *йўналиш*сиз соҳасига яқин. Бу олимлар ўтган даврлар ва замонавий адабий-назарий қарашларни фаол уйғунлаштирадilar. В.Е.Хализевнинг фикрича, бу ўхшаш назарий қарашларни қандайдир маънода *традиционалистик ёки культурологик* деб аташ мумкин.<sup>16</sup> Улар бир-бирлари билан рақобат қилмайди, аксинча, бири иккинчисига таянади. Биз ҳам ўз тадқиқотимизда шу йўналишга асосланамиз.

Адабиётшуносликда поэтика тушунчаси икки кўламда мавжуд. Агар айрим адабиётшунослар поэтикани у ёки бу адиб “ижодининг бадий хусусиятлари жамламаси”<sup>17</sup> деб ҳисоблашса, бошқалар учун у “...алоҳида бадий асарни яратиш унсурлари ва хусусиятлари” ёки “бадий-лисоний асарлар яратиш йўллари, усуллари ва шакллари, адабий асарлар турлари ва жанрлари структураси ҳақидаги”<sup>18</sup> фандир.

Кенг маънода поэтика атамасини “ҳаётни образли ёритишнинг, бадий татбиқ қилишнинг усуллари ва воситаларини ўрганувчи “илмий фан”<sup>19</sup> деб таърифлаш мумкин. Академик М. Б. Храпченконинг поэтикага берган таърифи, назаримизда, барча таърифларнинг мукаммали ҳисобланади, ҳамда, бошқа белгилар қатори, оламни бадий англашнинг турли томонлари ва хусусиятларини, жумладан, бадий методни ўрганишни назарда тутди. Бироқ “поэтика бадий асарнинг ички тузилиши, адабий жанрлар ва уларнинг таракқиётини ўрганмасдан тутолмайди”.<sup>20</sup> Бу борада рус адабиётшунос олими В. Ф. Переверзевнинг “Творчество Гоголя” китобига

<sup>14</sup>Хализев В.Е. Теория литературы. Издание третье, исправленное и дополненное. – М.: «Высшая школа», 2002. – С.9.

<sup>15</sup>Ўша манба, С.9.

<sup>16</sup>Ўша манба, С.10.

<sup>17</sup>Введение в литературоведение / под ред. Г.Н.Поспелова. – М.: Высшая школа, 1988. – С.225.

<sup>18</sup>Ўша манба.

<sup>19</sup>Храпченко М.Б. Художественное творчество, деятельность, человек. – М.: Советский писатель, 1982. – С.399.

<sup>20</sup>Ўша манба, С.398.

ёзган сўзбошиси намуналидир. Олим адабиётшунослик ва адабий танқид бадий асарлардан “йироқлашиб”, бошқа фанлар билан шуғулланётганидан нолиган эди. “Менинг этюдим, – деб ёзган эди В. Ф. Переверзев, – бошқа ҳеч нарсага эмас, фақат Гоголь асарларига бағишланади.” Олим ўз олдига Гоголь асарлари хусусиятларига “иложи борича чуқурроқ кириб боришни” мақсад қилиб қўйган эди.<sup>21</sup>

Демак, “хаётни образли ёритишнинг, унга бадий татбиқ қилишнинг усуллари ва воситаларини ўргана туриб,” нафақат “ҳикоявий шаклларнинг ўзига хослиги ва уларнинг тараққиёти қонунларини”<sup>22</sup> ўрганиш, балки у ёки бу асар бадий хусусиятлари билан, у ёки бу адабий йўналиш ёки адибнинг ижодий тамойиллари ва бадий методи билан танишиб чиқиш лозим бўлади.

Нобель қўмитасининг қарорида таъкидланишича, Ле Клезио “янги йўналишлар, бадий саргузаштлар, туйғулар тўлкини” ҳақида ижод қилади, у “ривожланган тамаддундан йироқ инсонлар қалбининг тадқиқотчиси” ҳисобланади. Бу чиндан ҳам шундай. Агар Ле Клезио ўзининг илк асарларида боқий дунёдаги одамийлик муносабатларининг кескин тус олиши билан боғлиқ умидсизлик ва тушкунлик туйғуларини мураккаб лисоний ва образли тизимли метафорик шаклда бера олган бўлса, 70-йилларнинг охиридан бошлаб, ўз асарларида чин инсоний қадриятларни тасвирлай бошлайди.

Ўз ижодини 1963 йилда нашр этилган “Баённома” романи билан бошлаган Ж-М. Гюстав Ле Клезио ўтган аср охиригача турли катта-кичик жанрларда элликка яқин асар яратди, Панама ва Мексикалик америдиен (мая) халқларининг икки катта тўпламини француз тилига таржима қилди. Бу ишлари эвазига у Франция ва Монаконинг турли адабий мукофотларини қўлга киритди, 1994 ва 1995 йиллар эса “Франциянинг энг машҳур адиби” деган унвонга сазовор бўлди.

Ҳар бир даврда инкишоф этилган бадий талқин олам ва одамни янгича идрок этиб, ўз дунёсини бунёд этаётган ижодий-мантиқий тушунчани ҳам илгари суради. Бадий моҳиятнинг ўзига хослиги, мушоҳаданинг онг ҳамда туйғуда қайта ижодий шаклантирилган тизимига асосланганида кўринади. Характер инсонга сингдирилган муаллиф концепциясида, давр ва жамиятнинг бутун борлиги, тараққиёти, замон эврилишлари силсиласида туғилаётган зиддиятлар, реал муаммолар, негатив ҳолатлар жараёнида шакилланади. Қолаверса, бадий асарнинг гуманистик моҳияти ва йўналиши, аввало, инсонни бадий акс эттирувчи фалсафий-эстетик принципларда, шахснинг ўтмиши, бугуни ва келажак ҳаётига нисбатан муаллиф нуқтаи назарида, мақсад ва интилишларнинг руҳий-интеллектуал мушоҳадасида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Бадий услуб динамикаси ва композицион яхлитлик**» деб номланган. Унинг «Ж-М. Гюстав Ле Клезионинг кичик жанрдаги асарларида поэтик талқин ва ижодий индивидуаллик» деб

<sup>21</sup>Переверзев В.Ф. Гоголь. Достоевский. Исследования. – М., 1982. – С. 44 - 45.

<sup>22</sup>Огнев А.В. О поэтике современного русского рассказа. – Саратов, 1973. – С.5.



номланган биринчи фаслида бадийлик, ижодий индивидуаллик каби масалалар асосида шаклланадиган поэтика фалсафий категория ҳисобланиши, сюжетдан воқеалар ривожига, воқеалар ривожидан композиция яхлитлигига олиб борадиган жараён эканлигини илмий-назарий асослашга эришдик. Мазкур хусусиятлар давр руҳи, эпик майдон муносабатини, ҳажм ва миқдор муштарақлигини тасвир марказига йиғишини аниқлаштиради. Мазкур фаслда Ж-М. Гюстав Ле Клезионинг кичик жанр-даги асарлари умумий поэтикасининг пейзаж, образ, қаҳрамон, портрет, руҳият каби категориялари таҳлил қилинади.

Ле Клезио ўз ижоди давомида фақат бир жанр билан кифояланиб қолмайди: у романлар ва эсселардан ташқари эртаклар, ҳикоялар, биографиялар (“Диего ва Фрида”), новеллалар, болалар учун асарлар (“Дарахтлар ўлкасига саёҳат”), безакли китоблар (“Булутлардаги одамлар”) ҳамда монографиялар, турли-туман мақолалар ва асарларга сўзбошилар ёзади. Ле Клезионинг катта-кичик жанрдаги бадий асарларида эпиграф алоҳида аҳамият касб этади.

Ж-М. Гюстав Ле Клезионинг ўзбек тилига “Мондо” деб таржима қилинган ҳикоялар тўпламининг аслиятдаги номи «Mondo et autres histoires» бўлиб, французча «**histoire**» сўзи китобхонга ундаги саккиз ҳикоянинг жанри ҳақида тўлиқ маълумот беради. Бироқ бу “ҳикоялар”нинг аҳамияти шу билан тугамайди, “ҳикоя” – “эртак” сўзи эса онгимиз остида бошқа бир акс-садо топади. Чиндан ҳам бу илоҳий сўз китобхонга бутун бир дунёни – унинг болалигини эслатади. Ўз хаёлотини тўлдиришга ёхуд ташвишларини тинчитишга интилган миттигина бола ўз онасидан дoston, афсона ёки ривоят талаб қилмайди, “эртак айтиб беринг,” дейди, холос. Оддийгина эртак. “Ҳикоя” сўзининг ижтимоий рамзи бўлмиш шу оддий эртак болаларга сўзлаб бериладиган қисқа ҳикояни, Редьярд Киплингнинг асл номи «Just So Stories» бўлмиш “Оддийгина ҳикоялар”ини белгилайди. Улар устида Киплинг болаликка мос софлик ва соддалик билан меҳнат қилган. Шу маънода Ле Клезионинг ҳар бир ҳикояси унинг асарларини давом эттирган бўлиши мумкин. Эпиграф Ле Клезионинг режасини ошкор қилади: китобхонга у билмайдиган ёки инкор этадиган ҳақиқатни ёритувчи ҳикоялар сўзлаб беришдир. У тўпламдаги ҳикоялар яхлитлигини очиб беради, бу яхлитлик, бу бутунликни ҳикоялар композициясини қиёслаганда кўриш мумкин.

Француз олими Жерар де Кортанзеннинг фикрига кўра, Ле Клезио учун “L'enfance n'est pas l'enfant. On le sait, Le Clézio regrette que les hommes et les femmes ne sachent pas rester des enfants. Dans *L'Inconnu sur la terre*, on peut lire ceci: «Les enfants éclairent, ils sont la lumière. Les enfants sont semblables aux pauvres, aux nomades, et d'eux vient le même sentiment de force, de vérité, le même pouvoir, la beauté.»<sup>23</sup> - Болалик бола эмас. Бу аниқ, бироқ Ле Клезио эртаклар ва аёллар бола бўлиб қолишни билмасликларидан афсусда. “Заминдаги бегона” (“L'Inconnu sur la terre”)да қуйидагиларни ўқиш мумкин: “Болалар қуёш, болалар нур таратади. Болалар бечораларга, кўчманчиларга

<sup>23</sup> Cortanze Gérard de. J.-M.G. Le Clézio. – Paris : Gallimard / Cultures France Éditions, 2009. – P.11-12.

ўхшайди, куч, ҳақиқат туйғулари ҳам, қудрат ва гўзаллик ҳам улардан келади.

Маълумки, бадиий асарнинг ўқувчига таъсир кучи кўп ҳолларда унга мансуб ижтимоий-эстетик яхлитлик, яъни шакл ва мазмун бирлиги билан белгиланади. Бу тушунчалар бир -бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бадиий асарда нима дейилганлиги (мазмуни) ва қандай дейилганлиги (шакли) дан дарак беради.<sup>24</sup> Умуман, услуб ёзувчининг ўз даври воқеа-ходисаларига фаол муносабатини қамраб олади. Бу ҳодиса ўз навбатида, ижодкорнинг бошқа ёзувчилардан фарқини кўрсатувчи омилга таъсир кўрсатмай қолмайди. Ўз услубига эга муаллифгина санъаткор ёзувчи бўла олади. Ҳар бир ёзувчи фақат ўз услуби – ўзига хос ижодий қиёфаси, ўз овози билан адабиётнинг умумий хазинасига ҳисса қўшади. Бироқ бу ўзига хослик унинг ўз даври бир қатор ижодкорлари билан ҳаёт материални танлаш, уни бадиий идрок этиш ва баҳолаш тамойилларида, асарнинг бадиий шакл хусусиятлари, давр жиҳатлари масаласида умумийликка эга бўлишини инкор этмайди.

Бобнинг иккинчи фасли «Сахро» (*Désert*) романи поэтикасида **услубий-композицион уйғунлик** деб номланган. Француз насри ўтган асрнинг 80-90 йилларига келиб ўзининг ранг-баранглиги, маҳсулдорлиги, бадиий қамровининг кенглиги, таҳлил майдони, шакли, мазмуни, мақсади борасида янги жиҳатларни намоён этди. Насрда илгари тизим сифатида кўринмаган қирралар пайдо бўлди, чуқурлашди, мураккаблашди, бадиий характер яратишнинг янгича усуллари, янгича шакллари вужудга келди. Наср тасвир объектининг кенгайиши ва ўзгариши туфайли адабиёт янада чинакам инсоншунослик касб этди, руҳият таҳлили бадиий насрнинг асосий сифат белгиси, бадиийлик мезонига айланди<sup>25</sup>.

Маълумки, услубий birlikлар композицион яхлитлиги ифода шакли тараққиётида маромига етади. Тўғрироғи, умумэстетик баҳолаш мезонларидан бадиий тамойилларга ўтиш семантик-структурал майдон мувофиқлиги билан ўлчанади. Ҳиссий идрокда изоҳланган тушунчага қадар масофа ижтимоий-психологик уйғунликда намоён бўлади. Чунки назарий ҳамда ғоявий муносабатлар мувозанати услубий яхлитликни таъминлаб берадиган поэтологик атрибут ҳисобланади. Ёзувчининг «Сахро» романи ижодий сарҳадлари фалсафий мушоҳаданинг эпик тафаккур марказига интилишидан озиқланади. Адиб поэтик уйғунликни сақлашда оддий нутқий далолатномалар, диалогик тажрибадан унумли фойдаланади. Коммуникация жараёнининг таркибий қисми бўлган адабиёт аслида шуурий ҳиссиёт ва аклий тафаккур бирлигига бориб тақалади. Бу муносабат, аввало, ифода аниқлиги ва тасвир ихчамлиги, таассуротлар ёрқинлиги ва тафсилотлар ҳаётгийлигини биринчи ўринга кўтаради. Иккинчидан, сўзловчи ва тингловчи орасидаги экспрессив таъсир доираси ички мантиқий боғланишларни юзага келтиради. Учинчидан, ижодкор бадиий нияти учун ривоят (мифос), поэтик

<sup>24</sup>Бар Л.Б., Ильин Н.Д., Монастырская Н.Ф., Фесенко Э.Я. Анализ художественного произведения. Учебное пособие для студентов педагогических вузов. Рекомендовано Министерством народного образования Республики Узбекистан. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – С.18.

<sup>25</sup> Жўраев Т. Онг оқими модерн. – Фарғона: Фарғона, 2009. – б. 45.

ва фалсафий нуктаи назарларнинг умумлашма моҳиятини белгилайди. Хусусан, «Сахро» романи структуравий жиҳатдан ўзига хос тизим шаклида намоён бўлади. Унда гоҳ характерда қайта намоён бўлган воқелик тасвири, гоҳ руҳий кечинма табиий оқими ўрин алмашиб туради. Ўзаро муносабатлар шахс, маънавият ва эрк тушунчаларини жипслаштиришга ёрдам беради.

Адиб услубида намоён ҳиссий товланишлар тизими тасвирда холислик, характераро мантиқий изчилликка йўл очади. Адиб тарих, бугун ва келажак учлигини фалсафада марказлаштиради. Қаҳрамон табдилидаги кескинлик талқин ва таҳлилнинг тезкор ўрин алмашинувларини таъминлайди. Муаллиф ҳаётий зиддиятлар фалсафий теранлигини умумлаштиришга интиларкан, ижтимоий-руҳий муносабатлар мутаносиблиги инкирози инсон фаолиятдан ибтидоланишига эътиборни қаратади. Кичик мулоқот қатида асрлар мобайнида инсониятни мудом ташвишга солиб келаятган муаммолар ўз ифодасини топади.

Ле Клезю асарлари поэтикасини тадқиқ этиш шундай хулосага олиб келдики, муайян ижодкорнинг фақат ўзигагина хос бадиий услуби, энг аввало, шу ёзувчи қалбини мавжлантирган муаммо ва ғояларда, унинг мавзу танлаш ва шунга мос сюжет яратишида, шу ҳаётий мавзунини юксак адабий маҳорат билан талқин эта билишида, умуминсоний, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолиб тасвирлашида намоён бўлади.

